

**“ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ” МИЛЛИЙ
ТАДҚИҚОТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSc.I.03/30.01.2020.I.10.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**“ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ”
МИЛЛИЙ ТАДҚИҚОТ УНИВЕРСИТЕТИ**

АЛИМОВ УЧҚУН ЗОИРОВИЧ

**ПОЛИЗ МАҲСУЛОТЛАРИНИ ЕТИШТИРИШНИНГ ИҚТИСОДИЙ
САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ**

08.00.04 – Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2023 й.

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Content of the Dissertation Abstract of doctor of philosophy (PhD)

Алимов Учкун Зоирович

Полиз маҳсулотларини етиштиришнинг иқтисодий самарадорлигини
ошириш йўллари..... 5

Алимов Учкун Зоирович

Пути повышения экономической эффективности выращивания
бахчевых культур..... 27

Alimov Uchkun Zoirovich

Ways to increase the economic efficiency of melon growing 51

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 55

**“ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ” МИЛЛИЙ
ТАДҚИҚОТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSc.I.03/30.01.2020.I.10.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**“ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ”
МИЛЛИЙ ТАДҚИҚОТ УНИВЕРСИТЕТИ**

АЛИМОВ УЧҚУН ЗОИРОВИЧ

**ПОЛИЗ МАҲСУЛОТЛАРИНИ ЕТИШТИРИШНИНГ ИҚТИСОДИЙ
САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ**

08.00.04 – Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2023 й.

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Олий Аттестация комиссиясида В2022.1.PhD/Iqt1979 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация иши “Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари” миллий тадқиқот университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.tiame.uz) ва “ZiyoNet” Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Умурзаков Ўктам Пардаевич,

иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Эгамбердиев Фармонқул Турсунқулович,
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Дусмуратов Раджапбой Давлетбаевич,
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот

Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти

Диссертация химояси “Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти” миллий тадқиқот университети хузуридаги фан доктори илмий даражалар берувчи DSc.I.03/30.01.2020.I.10.03 рақамли Илмий Кенгашнинг 2023 йил «__» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100000. Тошкент шаҳар, Қори Ниёзий кўчаси, 39-уй. Тел.: (99871) 237-46-68, факс (99871) 237-38-79. E-mail: admin@tiame.uz)

Диссертация билан “Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти” миллий тадқиқот университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100000. Тошкент шаҳар, Қори Ниёзий кўчаси, 39-уй. Тел.: (99871) 237-19-45.

Диссертация автореферати 2023 йил «__» _____ куни тарқатилди.

(2023 йил «__» _____ даги ___ рақамли реестр баённомаси)

Қ.Чариев,

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

И.Юнусов,

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори, доцент

Н.Хушматов,

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёнинг кўплаб давлатларида озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш бугунги куннинг долзарб муаммоларидан саналади. Зеро, “ ... сайёрамиз аҳолисининг 30 фоизидан зиёди тўлақонли равишда овқатланмаслик, энг асосий микроэлемент ва витаминлар етишмаслиги муаммосини бошидан кечирмоқда. Ана шундай сабаблар туфайли 160 миллиондан ортиқ бола бўйининг ўсиши, жисмоний ва интеллектуал ривожланишига доир камчиликлардан азият чекмоқда”¹. Вужудга келган ҳолатни юмшатиш ҳамда аҳолида энг асосий микроэлемент ва витаминлар етишмаслиги муаммосини ечишда полиз маҳсулотларини озиқ-овқат рационига киритиш озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашнинг муҳим воситаси ҳисобланади. Аҳолининг озиқ-овқат истеъмоли таркибида полиз маҳсулотларининг таъминланиши соғлом овқатланишнинг муҳим омили бўлганлиги боис, ривожланган АҚШ (19%), Германия (13%), Канада (7%) каби давлатларнинг тарвуз импортида юқори улушга эга эканлигида ҳам кўриш мумкин.

Глобал иқлим ўзгариши, экологик ва сиёсий инқирозлар шароитида полиз маҳсулотларини етиштириш ҳажмининг ортиши аҳолини хавфсиз озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашда етарлича улуш кўшади. Шу боис, дунёнинг нуфузли илмий муассаса ва марказларида тармоқни инновацион асосда ривожлантириш, ноанъанавий ишлаб чиқаришни ташкил этиш, органик полиз маҳсулотларини етиштириш каби йўналишларда тадқиқотлар олиб бориш кўлами кенгайган. Хусусан, ҳимояланган ер майдонларида полизчиликни ривожлантириш, полизчиликда рақобатбардош нав ва дурагайлар яратиш, маҳсулотларни сақлаш ва ташишдаги сифат йўқотишлари даражасини пасайтириш, етиштирилган маҳсулотлардан чиқиндисиз ишлаб чиқаришни ташкил этиш каби муаммоларни ҳал қилишга йўналтирилган илмий изланишларга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Мамлакатимизда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга қаратилган қатор таркибий ислохотлар амалга оширилди. Хусусан, ҳудудларнинг табиий-иқлим шароити, сув таъминотидан келиб чиққан ҳолда полизчиликка ихтисослаштириш, аграр соҳани диверсификациялаш мақсадида пахта майдонларининг қисқариши эвазига озиқ-овқат маҳсулотлари, жумладан мева-сабзавот ва полиз экин майдонларига ажратиб берилмоқда. Лекин хўжалик юритишнинг кооперация ва кластер тизимлари асосида маҳсулот етиштириш ва уни қайта ишлашда йўқотишларни камайтириш, ички ҳамда ташқи бозорларда сотишда рақобатбардош нав ва дурагайларни яратиш, уруғчилик тизими ҳамда маҳсулот ҳосилдорлигини оширишда қатор муаммолар кузатилмоқда. Шу боис ҳам “... полиз ва картошка экинларининг маҳаллий тупроқ-иқлим шароитларига мос, серҳосил, касаллик ва зараркунандаларга бардошли ҳамда сифат кўрсаткичлари юқори бўлган нав ва дурагайларини яратиш ҳамда бирламчи уруғчилигини ташкил этиш бўйича илмий-тадқиқотларни ривожлантириш”² тармоқнинг

¹ //ftp.fao.org/docrep/fao/Meeting/018/k6050r.pdf

² Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 05.07.2022 й., 09/22/361/0596-сон.

устувор вазифаси сифатида белгилаб берилди. Шу нуқтаи-назардан иқлим ўзгариши шароитида мамлакатнинг озик-овқат таъминоти масаласини тубдан яхшилашга йўналтирилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш долзарб вазифалардан саналади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги, 2019 йил 23 октябрдаги ПФ-5853-сон “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармонлари, 2020 йил 11 майдаги ПҚ-4709-сон “Республика ҳудудларини қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришга ихтисослаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги, 2019 йил 11 декабрдаги ПҚ-4549-сон “Мева-сабзавотчилик ва узумчилик тармоғини янада ривожлантириш, соҳада қўшилган қиймат занжирини яратишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорлари ҳамда мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация республика илм-фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш” устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Полизчилик тармоғи самарадорлигини оширишга таъсир этувчи ижтимоий, иқтисодий, ишлаб чиқариш ва маданий омилларнинг таъсирини микро ва макро даражада хорижий олимлар, хусусан, Н.А.Анцыфров L.Ayodeji, Beate Richter, J.Parfitt, J.Gustavsson, W.O.Oyediran³ томонидан кенг кўламда ўрганилган.

Мамлакатимиз олимларидан А.Кадиров, Д.Чуянов, Ф.Файзибаев, В.Зуев, Х.Бўриев, А.Каримов, Р.Ҳақимов, В.Ермохин⁴ларнинг илмий тадқиқотларида

³ Анцыфров Н.А. Выращивание арбузов в Вологодской области //Труды.– Вологда, 1950.– Вып.11. – С. 25–30.; L.Ayodeji, G.O.Owoyemi, S.A.Oloko. Design Modification and Performance Evaluation of a Melon (Citrullus lanatus) Depodding Machine, Global research analysis, Volume : 2 | Issue : 7 | Gujarat, July 2013; Beate Richter, Wolfgang Bokelmann. “Approaches of the German food industry for addressing the issue of food losses” Waste Management February 2016; Julian Parfitt, Mark Barthel and Sarah Macnaughton “Food waste within food supply chains: quantification and potential for change to 2050” Philosophical transactions of the royal society, Volume 365 Issue 1554, 2010; J.Gustavsson, C.Cederberg, U.Sonesson “Global Food Losses and Food Waste” Save Food Congress, Düsseldorf 16 May 2011; K.Lisa, D.Rebecca, Dunninga, J.Dara Bloomb, C.Chris Guntera, D.Michael Boyettec. Estimating on-farm food loss at the field level: A methodology and applied case study on a North Carolina farm, Resources, Conservation & Recycling 137(2018) p. 243-250; Oyediran, W. O., Omoare, A. M. and Ajagbe, B.O. Factors Affecting Sustainability Of Melon (Egusi) Production In Rural Farming Households Of Southwest, Nigeria American Journal of Agricultural Research (ISSN:2475-2002) (2016), Vol. 1, Issue 01.

⁴ А.Кадиров. Ўзбекистонда мева-сабзавот маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг рақобатбардошлигини ошириш. // Iqtisodiyot va ta'lim. 2022-yil 4-son 242-249 бет; Д.Ш.Чуянов. Тупрокни полиз экинлари экиш учун тайёрлашнинг энергия, ресурстежамкор технологиялари ва техник воситаларини шакллантиришнинг илмий техникавий ечими: дисс. ... и.ф.н. 2019 й.; П.Н.Файзибаев. Сабзавот ва полиз маҳсулотларини темир йўл транспорти орқали ташишда уларнинг хавфсизлигини, озуқавий ва биологик қийматини таъминлашни гигиеник асослаш: дисс. ... и.ф.н., 2012 й.; Aziz Karimov. Productive Efficiency of Potato and Melon Growing Farms in Uzbekistan: A Two Stage Double Bootstrap Data Envelopment Analysis, Agriculture 2013, 3, 503-515; Х.Ч.Бўриев, О.А.Ашурматов. Полиз экинлари биологияси ва етиштириш технологияси. Дарслик, 2000; Р.А.Ҳақимов. Полиз экинлари янги навлари. Халқаро илмий-амалий конференция маърузалари тўплами, 2013

полиз экинлари морфологияси, биологияси ва агротехнологияси каби жиҳатларга алоҳида эътибор қаратилиб, полиз экинлари касалликлари ва етиштириш билан боғлиқ муаммолар таҳлил қилинган.

Қишлоқ хўжалигида мева-сабзавотчиликда кооперация ва интеграция муносабатлари, маркетинг тизими, қиймат занжири, маҳсулот етиштирувчиларнинг даромадларини ошириш борасида Ў.Умурзаков, И.Руденко, Б.Джураев, Ш.Муродов, С.Эшматов, Х.Хушвақтова⁵ ва бошқа олимларнинг тадқиқот натижалари эътирофга молик.

Лекин юқорида қайд қилинган илмий тадқиқот ишларида полизчилик тармоғининг ўзига хос хусусиятлари, самарадорлик кўрсаткичларини тизимлаштириш, маҳсулотларнинг миқдор ва сифат йўқотилишини аниқлаш услублари ва таъсир этувчи омилларни баҳолаш каби жиҳатларига етарлича эътибор қаратилмаган. Бу республикаимиз ҳудудлари табиий-иқлим шароити, озиқ-овқат таъминотини яхшилаш, аҳолининг полиз маҳсулотларига бўлган талаби етарли қондирилмаётганлигини инобатга олган ҳолда полизчилик тармоғини ривожлантириш ва самарадорлигини ошириш йўллари тадқиқ этишни тақозо этади. Ушбу ҳолатлар мазкур тадқиқот иши мавзусининг танланишига асос бўлди.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши “Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти” миллий тадқиқот университети илмий-тадқиқот режалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади полизчилик маҳсулотларини етиштириш самарадорлигини ошириш бўйича илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

қишлоқ хўжалигида полиз маҳсулотларини етиштириш самарадорлигини оширишнинг объектив зарурияти, ўзига хос хусусиятларини аниқлаш;

полиз маҳсулотларини етиштириш самарадорлик кўрсаткичларини тизимлаштириш ҳамда полиз маҳсулотларини йўқотиш даражасини баҳолаш бўйича мавжуд услубларни таҳлил қилиш;

хорижий давлатларнинг полизчиликни ривожлантириш бўйича аҳамиятга молик тажрибаларини ўрганиш ва мамлакатимизда жорий этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

йил; Зуев В.И. ва бошқ. Овощи – это пища и лекарство. Узбекистан, 2016; Ермохин В.Н., Каримов А.К. Ўзбекистон қовунлари, Т., 1969.

⁵ Umurzakov, U., Eshmatov, S. 2018. Agricultural Cooperatives in Horticulture Value Chain. American Journal of Research. №1(2). USA; Rudenko, I. 2008. Value Chains for Rural and Regional Development: The Case of Cotton, Wheat, Fruit and Vegetable Value Chains in the Lower Reaches of the Amu Darya River, Uzbekistan. Dissertation. Leibniz University Hannover; Джураев Б. Қишлоқ хўжалигида маркетинг тизимидан фойдаланишни такомиллаштириш йўллари: авт. ... дисс. (PhD) – Т.: ТИҚХММИ. 2020; Муродов Ш. Мева-сабзавот маҳсулотларини сотиш тизимида кооперация муносабатларини ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий асослари: дис... авт. ... и.ф.н. (PhD) – Т.: ТИҚХММИ. 2020; С.Эшматов “Ўзбекистон иқтисодиётида мева-сабзавотчиликда қиймат занжирини ривожлантириш йўналишлари”: дисс. ... (PhD). 150 б.; Хушвақтова Х.С. Бозор шароитида мева-сабзавот кичик мажмуасида агросаноат интеграциясини ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий муаммолари: авт. ... дис. и.ф.н. – Т.: – 2005. – б.25.

полиз маҳсулотларини етиштириш самарадорлигини ҳозирги ҳолатига баҳо бериш ва мавжуд муаммоларни аниқлаш;

полизчилик тармоғини ривожлантиришни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш механизмларини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

полиз уруғларини сақлаш ва янги уруғларни яратишни рағбатлантириш мақсадида уруғчилик кластерларини ташкил этиш ҳамда молиялаштириш манбалари бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

полиз маҳсулотларини етиштиришга таъсир этувчи омилларнинг ўзаро боғлиқлигини аниқлаган ҳолда полиз маҳсулотларини етиштириш ҳажмини башорат кўрсаткичларини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида республикада фаолият кўрсатаётган полиз маҳсулотларини етиштирувчи хўжалик юритувчи субъектлар танлаб олинган.

Тадқиқотнинг предметини қишлоқ хўжалигида полиз маҳсулотларини етиштириш билан боғлиқ бўлган ташкилий-иқтисодий муносабатлар тизими ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида монографик ўрганиш, статистик ва эконометрик моделлаштириш, иқтисодий таҳлил ва синтез, ARIMA (ARMA) модели, “Тренд” модели, “Учлик спираль” (Triple Helix Model) ва бошқа усуллардан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

полизчилик тармоғида маҳсулотни йўқотилиш даражасини “Тоифа усули” орқали баҳолаш бўйича услубий ёндашув “Табиий йўқотиш” коэффицентини назарда тутган ҳолда такомиллаштирилган;

полизчилик тармоғида замонавий технологияларни қўллаш, ёпиқ тизим куриш ва унда маҳсулотлар етиштиришни рағбатлантиришга қаратилган табақали субсидиялаш механизмлари асосланган;

полиз уруғчилигини ривожлантириш, маҳаллий нав ва дурагайларни сақлаш ва қайта ишлашни рағбатлантириш мақсадида уруғчилик кластерларини ташкил этиш тавсия этилган;

иқлим ўзгаришлари шароитида Сирдарё вилоятида полиз маҳсулотларини етиштириш ҳажми ўзгаришининг 2030 йилгача бўлган прогноз кўрсаткичлари асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

полизчилик тармоғида самарадорлик кўрсаткичлари иқтисодий, ижтимоий, технологик кўрсаткичлар орқали тизимлаштирилган ҳамда полиз маҳсулотларини миқдор ва сифат жиҳатдан йўқотилиш даражасини таҳлил қилиш ва камайтириш чора-тадбирлари орқали самарадорликни ошириш йўллари асосланган;

хорижий давлатларнинг полизчилик тармоғини ривожлантиришга оид аҳамиятга молик тажрибаларини республикада иқтисодиётига жорий этиш йўналишлари ишлаб чиқилган;

тармоқ ривожланишига таъсир этувчи омиллар таҳлил қилиниб, тизимлаштирилган ва уларнинг ўзаро боғлиқлиги эконометрик жиҳатдан таҳлил қилинган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқотда фойдаланилган маълумотларнинг расмий тасдиқланган манбалардан олинганлиги, полизчилик тармоғини ривожлантириш бўйича таниқли иқтисодчи олимларнинг илмий-назарий қарашларини қиёсий таҳлил қилиш, монографик тадқиқотлар ва сўровномалар ўтказишдан олинган натижаларга таянилганлиги билан изоҳланади. Шунингдек, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (ФАО) ва Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ), Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси, Сирдарё ва Жиззах вилоятлари қишлоқ хўжалиги бошқармаларининг расмий статистик маълумотлари таҳлилларига асосланганлиги билан баҳоланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот иши натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, ишлаб чиқилган таклиф ва тавсиялардан фойдаланиш полизчиликни ривожлантиришнинг назарий асосларини бойитишга хизмат қилади. Шунингдек, давлат томонидан қўллаб-қувватлаш йўналишлари, соҳадаги меъёрий ҳужжатларни такомиллаштириш борасидаги ҳуқуқий билимларни бойитишга замин яратади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, улар асосида берилган таклиф ҳамда тавсиялардан фойдаланиш полизчиликни ривожлантириш йўналишида, давлат дастурлари ишлаб чиқишда асос сифатида хизмат қилиши, тадқиқот натижаларидан, шунингдек, олий таълим муассасаларида “Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти”, “Минтақавий иқтисодиёт” каби фанларнинг ўқув дастурларини такомиллаштириш ва таълим жараёнида фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Полиз маҳсулотларини етиштиришнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш бўйича ишлаб чиқилган илмий таклифлар асосида:

полиз маҳсулотларини етиштиришда йўқотиш даражасини баҳолаш услугиёти бўйича таклифлари Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги тизим ташкилотлари томонидан амалиётга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги 07/34-05/203-сон маълумотномаси). Мазкур услубни жорий этиш орқали полизчилик хўжаликларининг самарадорлик кўрсаткичларини 10-15 фоизга оширишга эришилган;

полизчилик тармоғида замонавий технологияларни қўллаш, ёпиқ тизим қуриш ва унда маҳсулотлар етиштиришни рағбатлантиришга қаратилган табақали субсидиялаш механизмлари Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги тизим ташкилотлари томонидан амалиётга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги 07/34-05/203-сон маълумотномаси). Мазкур таклифлар полиз етиштирувчиларни иқтисодий рағбатлантириш, уларни қўллаб-қувватлашнинг бозор механизмларини жорий этишга хизмат қилган ҳолда полизчилик тармоғининг ривожланишига ижобий самарасини берган;

полиз уруғчилигини ривожлантириш, маҳаллий нав ва дурагайларни сақлаш ва қайта ишлашни рағбатлантириш мақсадида уруғчилик кластерларини ташкил этиш ҳамда молиялаштириш манбалари бўйича таклифлари Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги тизим ташкилотлари томонидан амалиётга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги 07/34-05/203-сон маълумотномаси). Мазкур таклиф полиз етиштирувчиларга ресурслар таъминотини тизимли ташкил этиш, шунингдек, хизматлар бозорида танлов эркинлигини таъминлаш орқали ишлаб чиқариш самарадорлигини 20 фоизгача ортишига хизмат қилган;

иқлим ўзгаришлари шароитида Сирдарё вилоятида полиз маҳсулотларини етиштириш ҳажми ўзгаришининг 2030 йилгача бўлган прогноз кўрсаткичлари бўйича таклифлари Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги тизим ташкилотлари томонидан амалиётга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги 07/34-05/203-сон маълумотномаси). Мазкур таклифнинг амалиётга жорий этилиши натижасида 2030 йилга бориб, Сирдарё вилоятида полиз маҳсулотларини етиштириш ҳажми 302,6 минг тоннагача ошиши асосланган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертация ишининг асосий илмий натижалари иккита халқаро ва иккита республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Тадқиқот ишининг асосий илмий натижалари 12 та илмий мақола ва тезисларда ўз аксини топган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, шундан 6 та мақола республика ва 1 та мақола хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 146 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, мақсади, вазифалари, объекти ва предмети шакллантирилган, республикада фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги кўрсатилган, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, уларнинг амалиётга жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Полиз маҳсулотларини етиштириш самарадорлигини оширишнинг илмий-услубий асослари”** деб номланган биринчи бобида қишлоқ хўжалигида полизчилик тармоғининг ўрни, ўзига хос хусусиятлари, тармоқ ривожланишига таъсир қилувчи омиллар назарий жиҳатдан ёритилган, полиз маҳсулотларини озиқ-овқат занжирининг турли босқичларида йўқотилиш даражасини баҳолаш бўйича услубий ёндашув такомиллаштирилган ва самарадорлик кўрсаткичлари тизимлаштирилган. Шунингдек, хорижий давлат-

ларнинг полизчиликни ривожлантириш бўйича аҳамиятга молик тажрибаларини мамлакат иқтисодиётига жорий этиш йўналишлари ишлаб чиқилган.

Маълумки, полизчилик тармоғи самарадорлигини ошириш мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашдаги муҳим масалалардан ҳисобланиб, ушбу жараёнда тармоқнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиш талаб этилади. Зеро, полизчилик бошқа тармоқларга нисбатан қишлоқ хўжалиги соҳасига хос бўлган хусусиятлар билан бирга маҳсулотларни узоқ масофага ташиш, узоқ муддат сақлаш имкониятларининг чекланганлиги, маҳсулот етиштиришда қўл меҳнати сарфининг кўплиги, шу билан бирга, маҳсулотни икки хил усулда (очиқ ва ҳимояланган ер майдонларда) етиштириш имкониятининг мавжудлиги каби ўзига хос хусусиятлар билан фарқланади.

Шунингдек, полизчилик тармоғининг ривожланиши мавжуд бўлган иқтисодий, ижтимоий-демографик, ташкилий-ҳуқуқий омиллар таъсирига бевосита боғлиқ ҳисобланади. Албатта барча омиллар таъсир этиш даражаларидан келиб чиққан ҳолда талқин этилади. Бизнингча, полизчилик тармоғининг барқарор ривожланишига таъсир этувчи омилларни куйидаги гуруҳга бўлиш мумкин:

– ишлаб чиқариш жараёнининг барча жиҳатларини бирлаштириш сифатини белгилаб берувчи ижтимоий-иқтисодий омиллар;

– қишлоқ хўжалиги маҳсулотини етиштирувчи субъектлар фаолиятининг ҳуқуқий, иқтисодий ва сиёсий асосларини ўз ичига олган институционал омиллар;

– замонавий технологиялар ва машиналар, юқори самарали навлар ва дурагайларга асосланган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришни интенсивлаштиришга қаратилган технологик омиллар;

– полиз маҳсулотларини ишлаб чиқариш жараёнининг узлуксизлигини ва ўзаро мувофиқлигини таъминловчи бозор омиллари.

Маълумки, бугунги кунда қишлоқ хўжалигида маҳсулотларни йўқотиш даражасининг юқорилиги асосий муаммолардандир. Маълумотларга кўра, “... дунё бўйича бир йилда инсон истеъмоли учун етиштирилган маҳсулотнинг 1/3 қисми, яъни 1,3 млрд. тоннаси нобуд бўлади”⁶.

Маҳсулотлар йўқотилишини аниқлаш бўйича мавжуд услубий ёндашувлар таҳлили кўрсатишича, қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг мавсумийлиги ва бозорларнинг озиқ-овқат сифатига сезгирлиги туфайли тадқиқотлар асосан йўқотилиш миқдорини аниқлаш, яъни миқдор камайиши нуқтаи-назаридан эътибор қаратилган. Аммо, “... маҳсулотлар қиймат занжирининг алоҳида ёки барча босқичлари учун йўқотилишни камайтириш, маҳсулотларнинг ўзига хос сифатларини инобатга олган ҳолда йўқотилишни баҳолаш мезонларини тизимлаштиришга кам эътибор берилган”⁷.

⁶ FAO 2011 <https://www.fao.org/faostat/en/#country>

⁷ Beate Richter, Wolfgang Bokelmann. “Approaches of the German food industry for addressing the issue of food losses” Waste Management February, 2016.

Тадқиқот натижаларига кўра, полиз маҳсулотларини сифат жиҳатдан куйидаги гуруҳларга ажратиш мақсадга мувофиқ, яъни касалланган, чириган, ҳаддан ташқари пишган, қуёшда куйган ва шикастланган.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчи субъектларнинг асосий мақсади ҳосилдорликни ошириш, етиштирилган ҳосилни нобуд қилмасдан сотиш ва даромадларини кўпайтириш ҳисобланади. Бунда маҳсулотлар йиғиб олингандан кейин ҳам сифатини сақлаб қолиш йўқотилишни камайтиришда муҳим омил сифатида хизмат қилади. Аммо, инфратузилманинг талаб даражасида бўлмаслиги, ишлаб чиқарувчиларнинг етарлича билим ва амалий кўникмаларга эга эмасликлари, соҳада замонавий технологияларнинг қўлланилмаслиги маҳсулотлар йўқотилишини ошишига сабаб бўлади. Шу боис ҳам маҳсулот йўқотилиши бўйича мавжуд услубий ёндашувларни таҳлили асосида бизнингча, технологик жиҳатдан маҳсулотларни етиштиришдан то истеъмолчига етиб боргунгача бўлган барча босқичларни назарда тутишни талаб этади (1-расм).

Полиз маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи хўжаликдаги йўқотилиш	Маҳсулот етиштириш жараёни	<i>Миқдорий йўқотилиш:</i> ишлаб чиқариш жараёнида далада қолдирилган маҳсулот
		<i>Сифат йўқотилиши:</i> етиштирилган маҳсулот сифатининг ёмонлашиши
	Йиғим-теримдан кейин, хўжаликда	<i>Миқдорий йўқотилиш:</i> хўжаликларда ҳосилни йиғиб олгандан кейинги босқичда маҳсулотларнинг бутунлай йўқотилиши
		<i>Сифат йўқотилиши:</i> хўжаликда ҳосилни йиғиб олишдан кейинги ишлар жараёнида сифатнинг ёмонлашиши
Воситачидаги йўқотилиш	Йиғим-теримдан кейин, хўжаликдан ташқарида	<i>Миқдорий йўқотилиш:</i> йиғим-теримдан кейин хўжаликдан ташқари маҳсулотнинг йўқотилиши
		<i>Сифат йўқотилиши:</i> йиғим-теримдан кейинги ишларда хўжаликдан ташқарида маҳсулот сифатининг ёмонлашиши
Қайта ишловчилардаги йўқотилиш	Қайта ишлаш	<i>Миқдорий йўқотилиш:</i> қайта ишлаш жараёнида маҳсулотларнинг бутунлай йўқотилиши
		<i>Сифат йўқотилиши:</i> қайта ишлаш жараёнида маҳсулот сифатининг ёмонлашиши

1-расм. Полиз маҳсулотлари йўқотилишини баҳолаш методологияси⁸

Диссертацияда қиймат занжирининг турли босқичларида полиз маҳсулотларининг йўқотилишларини ўлчаш мумкин бўлган ва турли ҳудудларда қўллаш имкониятини берувчи йўқотилишларни ҳисоблаш методологияси таклиф этилган. Бунда, полиз маҳсулотини йўқотилиш даражаси ва уни сифат тоифаларига ажратиш асосида баҳолашда “Тоифа усули”дан (C-method) фойдаланиш самарали ҳисобланади. Ушбу усул биринчи марта 1999

⁸ Муаллифнинг тадқиқотлари асосида тузилган.

йилда Камтон ва Шерингтон томонидан доннинг миқдорий ва сифат йўқотилишини ҳисоблаш учун ишлаб чиқилган⁹ бўлиб, унда табиий йўқотилиш коэффициентлари сифатида маҳсулот тоифасининг хусусиятлари асос қилиб олинган. Бизнингча, бундан ташқари худуднинг табиий-иқлим шароитларини ҳам назарда тутиш мақсадга мувофиқ.

Шундан келиб чиққан ҳолда, маҳсулот ишлаб чиқарувчилар даражасида полиз маҳсулотларининг миқдорий ва сифат йўқотишларини қуйидаги формула билан аниқланади:

$$OY_p = \sum_{i=1}^I C_i * QC_{iPH} + (Q_{Prod} - Q_{PH}) \quad (1)$$

$$SY_p = \sum_{i=1}^I (P_{ideal} - P_{Ci}) * QC_{iPH} + (V_{prod} - V_{PH}) \quad (2)$$

бу ерда, C_i – табиий йўқотилиш коэффициенти (*тавсия*), P_{ideal} – идеал маҳсулот учун ўртача сотиш нархи, сўм, P_{Ci} – i тоифа учун маҳсулотнинг ўртача сотиш нархи, сўм; QC_{iPH} – ҳосилдан кейин ҳар бир тоифадаги миқдор, тонна; Q_{PH} ва V_{PH} – мос равишда йиғим-теримдан кейинги ҳосилнинг миқдори ва қиймати, тонна ва сўм; Q_{prod} ва V_{prod} – маҳсулот ишлаб чиқарилганидан кейинги барча маҳсулот миқдори ва қиймати, тонна ва сўм.

Йўқотилишнинг кейинги босқичи ҳисобланган воситачилар даражасида миқдорий ва сифат жиҳатдан йўқотилиши эса қуйидаги формула асосида ҳисобланади:

$$OY_p = \sum_{i=1}^I C_i * (QC_{iSale} - QC_{iPurchase}) + WTL \quad (3)$$

$$SY_p = \sum_{i=1}^I (P_{ideal} - P_{Ci}) * (QC_{iSale} - QC_{iPurchase}) + WTL \quad (4)$$

бу ерда, QC_{iSale} – сотишда ҳар бир тоифадаги миқдор, тонна; $QC_{iPurchase}$ – сотиб олишда ҳар бир тоифадаги миқдор, тонна; WTL – маҳсулотнинг тўлиқ йўқотилган миқдори, тонна.

Ушбу услубий ёндашув асосида, бизнингча табиий йўқотиш коэффициентини мамлакатимизнинг марказий, жанубий ва шимолий минтақалар кесимида табақалаштириш мақсадга мувофиқ (1-жадвал).

Шунингдек, диссертацияда полизчиликни ривожлантириш бўйича хорижий давлатларнинг тажрибалари тадқиқ этилган бўлиб, қуйидаги аҳамиятга молик жиҳатларини республикамиз иқтисодиётига жорий этиш йўналишлари ишлаб чиқилган:

– полиз маҳсулотлари уруғларини етиштиришда давлат ва хусусий сектор ҳамкорлигини йўлга қўйиш (Туркия);

– маҳсулотларни янги турларини яратиш бўйича илмий изланишларга субсидиялар ажратиш (Туркия, Испания, Хитой);

– полиз маҳсулотларини экспорт қилувчи корхоналарни ташкилий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш (Испания);

⁹ Compton and Sherington Rapid assessment methods for stored maize cobs: weight losses due to insect pests. Journal of Stored Products Research, 1999. <https://www.sciencedirect.com/>

**Минтақалар кесимида полиз маҳсулотларини табиий йўқотиш
коэффициенти¹⁰**

№	Минтақалар	Кичик зоналар	Худудлар	С коэффициенти	Минтақавий С коэффициенти
1	Марказий минтақа	биринчи кичик зонаси	Фарғона водийси, Тошкент, Сирдарё ва Самарқанд вилоятлари	1,007	1,008
		иккинчи кичик зона	Сирдарё, Жиззах ва Самарқанд вилоятлари	1,008	
		учинчи кичик зона	Жиззах, Самарқанд ва Қашқадарёнинг янги суғориш худудлари	1,009	
2	Жанубий минтақа	биринчи кичик зонаси	Қашқадарё вилояти ва Бухоронинг Жанубий туманлари	1,009	1,01
		иккинчи кичик зона	Сурхондарё вилояти	1,01	
3	Шимолий минтақа	биринчи кичик зона	Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятининг Шимолий туманлари	1,008	1,007
		иккинчи кичик зона	Тошкент ва Самарқанднинг тоғ олди худудлари	1,006	

– кооперативлар фаолиятини йўлга қўйиш (Хитой);

– тармоқда маркетинг фаолиятини ривожлантириш ҳамда аҳоли истеъмоли учун полиз маҳсулотларини fresh, мураббо, қуритилган ҳолда йўналтириш (Испания, Хитой);

– полиз маҳсулотлари уруғидан табобат ва саноатда фойдаланиш (Туркия, Испания) ва бошқалар.

Диссертациянинг “**Полиз маҳсулотларини етиштиришнинг иқтисодий самарадорлигининг ҳозирги ҳолати ва мавжуд тенденциялар**” деб номланган иккинчи бобида полизчилик тармоғини ривожлантириш бўйича ташкилий-таркибий ислохотлар таҳлиллари асосида мавжуд муаммолар ва кузатилаётган тенденциялар аниқланган. Шунингдек, монографик тадқиқотлар асосида полиз маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлиги баҳоланган.

Сўнги йилларда мамлакатимизда аҳолини сифатли озуқабоп полиз маҳсулотлари билан таъминлаш, экспорт қилиш ҳажмини оширишга қаратилган таъсирчан чора-тадбирлар қўлланилмоқда. Натижада полиз экинлари майдонлари худудлар кесимида Жиззах, Сирдарё ва Тошкент вилоятидан ташқари мунтазам кенгайиш тенденциясига эга бўлган.

¹⁰ Муаллифнинг тадқиқотлари асосида тузилган.

Ўзбекистон Республикаси Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати томонидан тавсия этилган тиббий меъёрларга кўра, аҳоли жон бошига полиз маҳсулотларининг истеъмолли йиллик 37 кг ни ташкил қилган. Аммо, Наманган вилоятида – 33,5, Тошкент вилоятида – 20,3, Фарғона вилоятида – 33,2 кг/киши ҳажмида маҳсулот ишлаб чиқарилган бўлса, ушбу кўрсаткич Жиззах вилоятида – 191,3, Сурхондарё вилоятида – 117,1, Сирдарё вилоятида – 298,5 кг/киши ташкил этган (2-расм).



2-расм. Республиканинг айрим ҳудудларида тиббий меъёрга нисбатан полиз маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳолати (2020 йил)¹¹

Монографик тадқиқотлар ўтказилган Сирдарё ва Жиззах вилоятларида етиштирилган полиз маҳсулотлари ҳажми белгиланган тиббий меъёрлардан бир неча баробар баланд эканлиги ҳудудларда маҳсулотларни сотиш, сақлаш ва экспорт қилишдаги мавжуд салоҳиятлардан етарлича фойдаланилмаётганини англатади.

Полиз маҳсулотлари турлари кесимида ишлаб чиқариш ҳажми бўйича ҳолат ҳам ҳудудларда турличадир. Яъни, қовун ишлаб чиқаришда Сирдарё, Жиззах вилоятларида белгиланган тиббий меъёрдан 54 кг юқори бўлса, аксинча Тошкент – 5 кг, Фарғона – 9 кг, Андижон – 10 кг ни, яъни тиббий меъёрлардан ўн баробаргача кам қовун маҳсулотлари етиштирилмоқда.

Полизчилик тармоғининг асосий сотиш каналларидан бири бўлган экспорт ҳажми 2017-2020 йилларда ўсиш кўрсаткичларини сақлаб қолган. 2020 йилда эса жами 1008,6 млн. АҚШ доллари миқдорида мева-сабзавот экспорт қилинган бўлса, полиз маҳсулотлари экспорти 35,6 млн. АҚШ долларини ташкил этган.

Монографик тадқиқотлар Жиззах вилояти Зомин тумани “Тошмурот тўпи”, Сирдарё вилояти Мирзаобод тумани “Мирзачўл бедапоеси” фермер хўжаликларида амалга оширилган бўлиб, унда “Мирзачўл бедапоеси” фермер хўжалигида маҳсулот ҳимояланган майдонларда етиштирилганлиги боис, маҳсулот таннархи ортиши кузатилган бўлсада, маҳсулот бозорда талаб

¹¹ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланган.

таклифга нисбатан юқори бўлган вақтда етиштирилгани боис, юқори нархда сотиш ҳамда юқори рентабеллик даражасига эришиш имконини берган (2-жадвал).

2-жадвал.

Полиз маҳсулотларини етиштирувчи хўжаликларда 1 гектар майдонда тарвуз етиштириш харажатлари¹²

№	Харажат турлари	“Тошмурот тўпи” фермер хўжалиги		“Мирзачўл бедапоysi” фермер хўжалиги	
		минг сўм	%	минг сўм	%
1	Ишлаб чиқариш моддий харажатлари, шу жумладан	8200	45,3	13650	50,3
	уруғлик ва экиш материаллари	500	2,8	1200	4,4
	зараркунанда ва касалликларга қарши кураш воситалари	200	1,1	400	1,5
	Минерал ўғитлар	3200	17,7	3800	14,0
	органик ўғитлар	0	0,0	1000	3,7
	электр энергия харажатлари	3000	16,6	2000	7,4
	ёқилғи мойлаш харажатлари	500	2,8	450	1,7
	ҳимоя учун метал сим ва плёнка	0	0,0	4100	15,1
	агротехник тадбирлар	800	4,4	700	2,6
	2	Иш ҳақи харажатлари	7000	38,7	9500
3	Ишлаб чиқариш аҳамиятига эга бўлган бошқа харажатлари, шу жумладан	2900	16,0	4000	14,7
	озик-овқат харажатлари	1600	8,8	2200	8,1
	асосий ишлаб чиқариш фондларини иш ҳолатида сақлаш харажатлари	300	1,7	800	2,9
	ишлаб чиқариш фаолиятига тегишли бўлган асосий воситаларни жорий ижарага олиш билан боғлиқ харажатлар	1000	5,5	1000	3,7
4	Жами ишлаб чиқариш харажатлари	18100	100	27150	100
5	Ҳосилдорлик, т/га	35	–	30	–
6	1 кг маҳсулот таннари, сўм	568,7	–	1081,6	–
7	1 кг маҳсулот баҳоси, сўм	800	–	2900	–
8	Сотишдан олинган соф тушум, минг сўм	28000	–	87000	–
9	Рентабеллик, %	54,7	–	220,4	–

Ишлаб чиқаришдаги мавжуд муаммоларни аниқлаш мақсадида Сирдарё ва Жиззах вилоятларида фаолият юритаётган полиз маҳсулотини етиштирувчи 108 нафар респондентлар ўртасида анкета сўровномаси ўтказилди.

¹² Муаллиф томонидан тузилган.

Унга кўра, респондентларнинг 69 нафари (63%) фойдаланилаётган уруғларнинг сифати ва ҳолати қониқтиради, деб жавоб беришган. Лекин уларнинг 39 нафари (37%) фойдаланилаётган уруғлардан қониқтирмасликларини таъкидлашган. Шунингдек, сув танқислиги, ерга эгалик қилиш ҳуқуқининг етарли даражада эмаслиги, полиз экинлари касалликларининг кўпайиши, пестицидларнинг полиз ҳосилдорлигига зарари ва техника харажатларининг баландлиги кабилар асосий муаммолар сифатида эътироф этилди.



3-расм. Полиз маҳсулотларини етиштиришдаги мавжуд муаммолар¹³

Шунингдек, респондентларнинг кўпчилиги (37%) ерга эгалик қилиш ҳуқуқини жиддий муаммо, деб таъкидлаган бўлса, 40 фоизи ўртача жиддий муаммо сифатида эътироф этишган. Бундан ташқари, респондентлар полиз экинлари касалликларининг кўпайиши (35%), техника харажатларининг баландлиги (18%), пестицидларнинг зарари (24%) каби муаммолар мавжудлигини таъкидлаб ўтишди. Техника харажатларининг улуши юқорилигига ёқилғи-мойлаш материаллари нархларининг ортиши, махсус техникаларнинг ҳудудларда нотекис тақсимланиши сабаб бўлмоқда.

Барча респондентлар молиявий маблағларни шахсий жамғармалардан олишса, камчилик қисми (17%) банк кредитларидан ҳам кўшимча манба сифатида фойдаланишларини таъкидлашган. Полиз маҳсулотларини етиштирувчилар учун маҳаллий ҳокимиятлар томонидан субсидиялар ажратилмаслиги ва банклардан кредит олиш жараёнидаги бюрократик муаммолар хўжаликларнинг мазкур иқтисодий дастаклардан фаол фойдаланишларига тўсқинлик қилаётганлигини эътироф этишган.

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатимизда полизчилик ривожланишининг динамикаси таҳлиллари қуйидаги ижобий тенденциялар кузатилаётганлиги ҳамда салбий тенденцияларнинг сақланиб қолаётганлигини кўриш мумкин:

¹³ Муаллиф томонидан тузилган.

– тармоқдаги таркибий ўзгаришлар натижасида полиз экин майдонлари мунтазам равишда ошиб бормоқда;

– полиз маҳсулотларини етиштириш ҳажми ҳам ўсиш тенденциясига эга бўлиб, 2021 йилда 2016 йилга нисбатан 236,2 минг тоннага, яъни 111,6 фоизга ошган, аммо ушбу кўрсаткич ҳудудлар кесимида турли хил тенденцияга эга бўлмоқда;

– таҳлил қилинган йилларда полиз маҳсулотларининг ўртача ҳосилдорлиги пасайган бўлсада, Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда Андижон, Қашқадарё, Хоразм вилоятларида ҳосилдорлик кўрсаткичининг ўсиш тенденцияси сақланиб қолмоқда;

– тиббий меъёрларга кўра, аҳоли жон бошига полиз маҳсулотларининг истеъмоли йиллик 37 килограммни ташкил этган ҳолда, мамлакат бўйича маҳсулот етиштириш ҳажми ўртача 65 кг/кишини ташкил этади;

– полиз маҳсулотларини экспорт ҳажми 2018-2021 йилларда мос равишда 3,3 млн. АҚШ долларидан 22,7 млн. АҚШ доллари миқдorigа ёки 6,8 баробарга ортган. Шу билан бирга, таҳлил қилинган йиллар давомида экспорт географияси ҳам кенгайиб бормоқда;

– полизчилик тармоғида инновацион технологияларни жорий этиш, рақобатбардош нав ва дурагайларни яратишни рағбатлантириш механизмларининг ишламаётганлиги, полиз уруғчилигида хорижий навларга қарамлилик каби салбий тенденциялар сақланиб қолмоқда ва бошқалар.

Хўжаликларда маҳсулот етиштириш занжирининг барча босқичларида йўқотилиш даражасини қиймат занжирининг барча даражаларида аниқлаш ва уни бартараф этиш чораларини кўриш тармоқ самарадорлигини ошишига ижобий таъсир кўрсатади. Шундан келиб чиққан ҳолда, полиз маҳсулотларини йўқотилишини баҳолаш микро даражадаги маълумотларга асосланиб, “Тоифа усули” (C-method)ни қўллаган ҳолда амалга оширилди.

Тавсия этилган усуллар орқали полиз маҳсулотларининг миқдор ва сифат йўқотилиши “Тошмурот тўпи” ва “Мирзачўл бедапояси” фермер хўжаликлари мисолида таҳлил қилинди. Ушбу хўжаликларда маҳсулот етиштириш жараёнида йўқотиш даражасидан келиб чиқиб, маҳсулотларни учта тоифага бўлган ҳолда ўрганилди. “Тошмурот тўпи” фермер хўжалигида маҳсулотни етиштиришдан воситачига сотгунга қадар жами 7,33 тонна миқдор жиҳатдан маҳсулот йўқотилиши кузатилган, бу ялпи маҳсулотга нисбатан 15,0 фоизни ташкил этади. Ҳимояланган экин майдонларида полиз маҳсулотларини етиштирган “Мирзачўл бедапояси” фермер хўжалигида эса, миқдор йўқотиш 2,55 тоннани ташкил этиб, ялпи маҳсулотга нисбатан 7,3 фоизни ташкил этган (3-жадвал).

“Тошмурот тўпи” фермер хўжалигидан олинган маҳсулотларни истеъмолчиларга етказиб беришда воситачи даражасида эса миқдор ва сифат йўқотилиш мос равишда 3,1 тонна (ялпи маҳсулотга нисбатан 6,3 фоиз) ва 685 минг сўм (ялпи маҳсулот қийматига нисбатан 0,5 фоиз)ни ташкил этган. Ушбу кўрсаткич “Мирзачўл бедапояси” фермер хўжалигида мос равишда 2,1 тонна (ялпи маҳсулотга нисбатан 6,4 фоиз) ва 3,0 млн. сўм (ялпи маҳсулот қийматига нисбатан 0,7 фоиз)ни ташкил этган.

“Тошмурот тўпи” ва “Мирзачўл бедапояси” фермер хўжаликларида полиз маҳсулотларининг миқдор ва сифат йўқотиш кўрсаткичлари¹⁴

Маҳсулот йўқотиш даври	Тоифа тури	“Тошмурот тўпи” фермер хўжалиги		“Мирзачўл бедапояси” фермер хўжалиги	
		миқдор йўқотиш	сифат йўқотиш	миқдор йўқотиш	сифат йўқотиш
		<i>тонна/ %</i>	<i>млн. сўм/ %</i>	<i>тонна/ %</i>	<i>млн. сўм/ %</i>
Ишлаб чиқарувчи	1-тоифа (category 1)	2,5/5,0	2,03/2,1	1,25/3,7	4,15/1,5
	2-тоифа (category 1)	2,3/4,7	2,04/2,1	0,7/1,9	4,08/1,6
	3-тоифа (category 1)	2,53/5,3	2,04/2,1	0,6/1,7	4,01/1,5
Ишлаб чиқарувчи даражасида жами йўқотиш		7,33/15,0	6,11/6,3	2,55/7,3	2,55/7,3
Воситачи	1-тоифа (category 1)	1,3/2,7	0,26/0,2	1,2/3,7	1,6/0,4
	2-тоифа (category 1)	1,7/3,1	0,425/0,3	0,9/2,8	1,4/0,3
Воситачи даражасида жами йўқотиш		3,1/6,3	0,685/0,5	2,1/6,4	3,0/0,7
Маҳсулотнинг умумий йўқотиши		10,43/21,3	6,79/6,8	4,65/13,7	15,24/5,3


Хулоса қилиб айтганда, полиз маҳсулотларини етиштириш, ташиш, сақлаш, саралаш ва сотиш жараёнида йўқотилишлар даражасини таҳлил қилиш ва бартараф этиш чора-тадбирларини амалга ошириш хўжаликнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш имконини беради.

Диссертациянинг **“Полиз маҳсулотларини етиштиришнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш истиқболлари”** деб номланган учинчи бобда полизчилик тармоғини ривожлантиришни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизими, унинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар асосланган. Шунингдек, Сирдарё вилоятида полиз маҳсулотларини етиштириш ҳажмининг истиқболли параметрлари ишлаб чиқилган.

